

Г'АЛАВА

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА



Газета 1932 йилдан чиқа бошлаган / ISSN 2010-5746 / № 1 (6867) / 2024 йил 12 январь / жума / t.me/galaba24 / galaba24.uz

«Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган».

Ш. МИРЗИЁЕВ.

зарурлиги кенг жамоатчиликка етказилди.

Тадбирларда туман ҳокимлиги, туман ҳокими ўринбосарлари, Андижон давлат чет тиллар институтининг олим ўқитувчиларидан Д. Уминов, Қ. Насриддинов, А. Тешабоев,

«Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!»

«МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП»



Туманимизнинг мавжуд 66 та маҳаллаларида, жумладан Сирмоқ, Оқтепа, Янги ҳаёт, Маллачек, Зулфкор, Халфачек, Адолат, Дарё бўйи, Зиёкор, Матонат, Олчазор, Аралхон, Захаш, Шеробод, Сортепа, Тўда, Жасорат маҳалла фуқаролари учун «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» шiori остида «Маҳаллада дув-дув гап» тадбири байрамона шуқу билан ўтказилди.

Ҳар бир учрашув маҳалладошларнинг дийдорлашуви, туман, вилоятда амалга оширилаётган ишларнинг натижасидаги бунёдкорликлардан миннатдорлик ва шукроналикларига сабаб бўлаётди. Айниқса, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган» деган сўзлари бугунги куннинг шioriга айланиши

Маҳалла - оилалар жанулжамлиги. Оила - жамиятнинг бўлагидир. Оилада иноқлик, маҳаллада иттифоқлик бўлса, шу ҳудудда тарбия, тараққиёт, тадбиркорлик ривожланади. Шу уринда жорий йилнинг биринчи ҳафтасида туманимиз барча маҳаллаларида аҳоли ўртасида шукроналик, ватанпарварлик ҳисларини янада кучайтириш, улар қалбида миллий қадриятлар ва анъаналарни янада мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, фуқаролар ўртасида ижтимоий маънавий муҳитини соғломлаштириш мақсадида «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» шiori остида «Маҳаллада дув-дув гап» маънавий-маърифий, маданий-мусиқий тадбирлар ўтказилди.



Ж. Холмуродов ҳамда туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М. Ҳожи-матова, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари Г. Деҳқоноваларнинг ўз соҳаларига оид маълумот ва мисоллар асосида таъсирли маърузалари тингладиди.

Туман маданият маркази хонандалари томонидан ижро этилган дилтор қўшиқлар тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

Ш. КАРИМОВА,
«Дўстлик» ордени соҳиб.



ЮРТ ШАЪНИ ҲИМОЯЧИЛАРИ, БАЙРАМ МУБОРАК!



Келсинжон МИРҚАМОЛОВ,
туман Мудофаа ишлари
бўлими бошлиғи

Ҳарбийларга ҳавас, айниқса ўғил болаларда болалиқдан кучли бўлади. «Аскар-аскар» ўйинларини ўйнамаган бола бўлмаса керак. Ҳозир боғча, мактабларда ҳам ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги машғулотлар, тадбирлар кўп ўтказилади. Энди бу соҳа қизлар учун ҳам қизиқарли бўлиб борапти.

Мен ҳам мактаб давримдан ҳарбий соҳага қизиққанман. Айниқса, мактабда ҳарбий тадбирлар, спорт мусобақаларида бажонидил иштирок этардим. Бу билан жисман ва руҳан ўзимни чиниктириб бордим. Албатта, дарсларни ўзлаштириш аввалги ўринда эди.

Фарғона вилояти Фарғона туманида туғилганман. Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юртига ўқишга кирганимда кўпчилигининг ҳаваси келгани рост. Чунки, билим, жисмоний баққуватлик, руҳан тайёргарликлар борасидаги синовлардан ўтолмаганлар кўп эди. 2004-2008 йиллар билим юртида таълим олдим. Бу мuddат мени ватанимизнинг ҳарбий мудофаа қудрати-га ҳисса қўшиш фарзандлик ва фуқаролик бурчим, уни жонфидо тарзда адо этиш шартлигини ўқитди.

Давоми 3-бетда

Биз учун билдирилган юксак ишончдир



Дилрабо ИСОНИДДИНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги
туман бўлими бош мутахассиси

Бугун мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Янги йил давлатимиз раҳбари томонидан «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили», деб эълон қилинди. Бундан кўриниб турибдики, жорий йил ҳам ёшларимиз учун қутилмаган ютуқларга бой бўлади.

МАСЪУЛИЯТ ва ШАРАФ


Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, ижтимоий шароити жиҳатидан кўмакка муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва иқтидорлиларни юзага чиқариш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтган йил давомида бир қатор ишларни амалга оширди.

Ҳозирда туманимиздаги 66 та маҳаллаларда маҳалла ёшлар етакчилари фаолият олиб бормоқда. Улар ўз вазифаларига сўдқилдан ёндошиб, маҳаллалардаги ёшларнинг ҳаёт тарзи, кундалик юмушлари билан яқиндан танишиб, биргаликда иш олиб боришяпти.

Давоми 2-бетда

2024 ЙИЛ - ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Биз учун билдирилган юксак ишончдир



Айни пайтда мен тумандаги 1-сон касб-хунар мактабидида иш фаолиятини олиб бораёяман.

Ушбу йил ёшларга имкониятлар, юксалишлар йили бўлишига шубҳа йўқ. Биз ёшларга билдирилаётган ишончини оқлаб, Янги Ўзбекистон раёнаси йўлида шижоат ва ишонч билан аниқ мақсадлар сари бирлашмоғимиз керак.

Юртбошимиз томонидан 2024 йил «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинди. Янги йилнинг номланишини эшитган оним, ич-ичимдан бу йилда мен ва мен каби ёшларни юксак марралар кўтаётганини қалбим ҳис этдим ва ҳаракатда янада илдамроқ бўлмоғимиз лозимлигини туйдим. Ҳақиқатдан ҳам, йилимизнинг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» дея номланиши ортда, қанчадан-қанча улкан мақсадлар, муваффақиятлар, ютуқлар кўзланган.

«Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!»

Юртимиз номини баралла қуйлаб, юксак чўққиларни забт этиш вақти келди. Ҳар бир ёшнинг ўз ўрни ва салоҳияти бўлиши, билими, иқтидори билан юрт равнақиға ҳисса қўиши керак. Яратилган шароитлар, берилаётган имтиёзлар биз учун масъулият, зиммамиздаги фарзандлик бурчини адо этишда мажбурият бўлмоғи шарт.

Мафтуна МАҲКАМОВА,
тумандаги 1-сон касб-хунар мактаби ўқувчиси.

Ҳаётда бирон ютуққа эришган ёшни эшитсангиз, қаердан экан, дейсиз. Маҳалладошингиз бўлсачи, «Бизнинг маҳалладан» деб таъкидлаб қўясиз. Албатта, ҳавас қиласиз. Бунинг аксини бўлишини эса ҳеч ким истамайди.



МАҲАЛЛАМИЗ ЁШЛАРИ

платформасидан ёрдам берилди.

Маҳалламизда жами 811 нафар ёшлар истиқомат қилади. Бодомзор, Янгиланиш, Тонг юлдузи кўчаларидаги ҳар бир хонадондаги ўғил-қизлар маҳалламизнинг фахрига айланишини истаймиз. Ўқиш, иш билан банд бўлганлар ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради. Шундан, хотин-қизлар жами 426 нафарни ташкил этади.

Давлат секторидида 21 нафар, хусусий секторда 68 нафар ёшлар бандлиги қайд этилган ва четга ишлаш учун кетганлар 49 нафар ёшлар ҳам бизнинг маҳалладан. Шунингдек, таълимда-мактабда 323 нафар ўғил-қизлар ўқиш билан банд.

Ҳар бир ёшнинг бирон касбга лаёқати, интилиши бўлади. Уни шакллантириш ва йўналтириш, нафақат оиланинг, балки маҳалланинг ҳам вазифасига айланган. 50 нафар ёшлар бандлик дастурига қамраб олинган. Уларнинг 2 нафари субсидия асосида, 48 нафари уста-хунармандлик асосида доимий иш ўринлари билан бандлиги таъминланди.

«Ёшлар дафтари» платформасига 22 нафар маҳалла ёшлари киритилган. Шундан, 6 нафарига - тўлов контракт, бир марталик моддий ёрдам, даволаниш ҳамда бандлигини таъминлаш йўналишлари бўйича ёрдам кўрсатилди.

Оғир тоифадаги 27 нафар ёшларга бириктирилган вакил ва «Ёшлар дафтари»

Хуқуқбузарликка мойил бўлган 2 нафар ёш доимий назоратга олиниб, уларни ўқиш ва иш билан банд қилиш чоралари кўриляпти.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича «Беш ташаббус» лойиҳаси орқали 621 дан ошиб маҳалла ёшлари онлайн рўйхатдан ўтказилди. Улар орасида туман, вилоят босқичлариға чиққанлар бўлди. Вилоят босқичида Маърифхон Ғиёсов миллий кураш бўйича фахрли 2-ўрини, Файзулло Абдумуҳинов эса шахмат бўйича 4-ўрини эгаллади.

Янги йилимиз «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш» йили, деб номланди. Янги йил учун мўлжаллаган режаларимиз кўп. Жумладан, маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳалла ҳудудида бўш турган майдончага спортнинг мини-футбол майдончаси ташкил этиш ниятимиз бор. Маҳалладаги 3 қаватли бинода, гарчи у тадбиркорға тегишли бўлсада, унинг бўш жойидан фойдаланиб уюшмаган ёшларни тикивчилик, қандолатчилик ҳамда стол тенниси, шахмат-шашка машғулотларига жалб қилиб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни мўлжаллаёямиз. Бу ниятлар режаға киритилган, унинг амалға ошиши-янги иш ўрни, соғлом турмуш тарзи ва тадбиркорликка замин тайёрлайди.

Сарварбек МИРЗАЕВ,
«Афсона» МФЙ ёшлар етакчиси.

Давоми аввали 1-бетда

МАСЪУЛИЯТ ВА ШАРАФ

Ҳудудларда сектор раҳбарлари бошчилигида, ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, маҳалла раислари, профлактика инспекторлари, ёшлар етакчилари ҳамда депутатлардан иборат ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида хатловлар ўтказилди.

Хатлов жараёнида маҳаллалардаги 14-30 ёшгача бўлган 53 минг 9 нафар ёшлар тоифаларға ажратилди. Жумладан, 22 минг 683 нафари «яшил», 30 минг 346 нафари «сарик», 1 минг 680 нафари «қизил» тоифа рўйхатиға киритилди. Яъни, «Яшил» тоифадагилар - ўқиш ва ишда ўз ўринини топан - фаол ёшлар, «Сарик» - муқим иш ёки иш ўрниға эға бўлмаган ёки шуғулланишни бошлаш арафасида турганлар. «Қизил» - ҳали бирон йўналишға эға бўлмаган, уюшмаган, ижтимоий кўмакға муҳтожлардир. «Қизил» тоифадагилар сонини камайтириш ишчимиздаги натижадорлигини белгилайди.

«Ёшлар дафтари» орқали ўтган йил давомида туманимиздаги эҳтиёжманд, кўмакға муҳтож 20 нафар ёшларға 20 турдаги кўмак турлари бўйича ёрдам кўрсатилди. Яъни, 9 нафар ёшларға ОТМ тўлов шартнома пули тўлаб берилди, 5 нафарига шартнома асосида даволаниш учун тўлов қилинди, 6 нафарига сафарбарлик қақурув резерви учун тўлов қўллаб берилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни маданият, санъат, спорт, китобхонлик каби бир қатор муҳим йўналишларини ўзида қамраб

олган «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг йил мавсумида қуйидаги ишлар амалға оширилди.

Жумладан, танлов ва мусобақаларда иштирок этиш истагини билдириб, «Беш ташаббус. Ўз» сайтидан маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар жами 24 972 нафар умумий ёшлар сонига нисбатан 46.9 фоиз, тадбирларға қатнашиши бўйича 86,5 фоизни ташкил этади (миллий кураш 4504, волейбол 4094, гимнастрада 2501, пара спорт 63, заковат 3986, «Ёш китобхон» 4640, миллий ва замонавий қолғу ихрочилиги 3475 нафар), 60 та умумтаълим мактаб ўқувчилари 12 447 нафар, (4 та 2 та касб-хунар, 1 та коллеж, 1 та техникум) профессионал таълим ўқувчиларидан 2510 нафар ёшлар рўйхатдан ўтган.

Маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари, кўрик-танловлари умумий вилоят республика босқичлари натижаларига кўра:

1-мавсумида Енгил атлетика мусобақаси бўйича 16-21 ёшли ўғил болалар ўртасида «С» лигада республика босқичида 3-ўринға, 2-мавсуми натижаларига кўра, волейбол мусобақаси бўйича 16-21 ёшли ўғил болалар ўртасида Аралхон МФЙ жамоаси «А» лигада, 22-26 ёшли аёллар бўйича Жасорат МФЙси жамоаси «Б» лигада республика босқичиға, Миллий кураш тури бўйича Ўрмонбек МФЙдан иштирок этган 48 кг. тоифасида Севинч Ботирова, 70 кг. бўйича Марварид Шодмоналиева 1-ўринни, Афсона МФЙдан иштирок этган 66 кг. тоифасида Маърифхон Ғиёсов

фахрли 2-ўрин, Гимнастрада мусобақасининг вилоят босқичида Ўрмонбек МФЙдан иштирок этган жамоа фахрли 2-ўрин, Миллий ва замонавий қолғу ихрочилиги йўналишида туманимиздан 16 нафар ёшлардан 1 нафари Эскимархаз МФЙдан Ш. Мўминов 1-ўринни эгаллаб республикада иштирок этиб, 1 нафари 2-ўринни эгаллади.

«Заковат» мусобақасида Исломобод МФЙ жамоаси «С» лиға бўйича республика босқичларида иштирок этиш йўлланмаға эға бўлди.

Умумий мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган жами 7 та шахмат-шашка, енгил атлетика, волейбол, стол тенниси, «Қувноқ стартлар», «Заковат» мусобақаси, «Қувноқлар ва зуклолар» танловлари жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтди. Шахмат бўйича 2-ўрин 36-мактаб ўқувчиси Шодия Қўрбоналиева, шашка бўйича 2-ўрин, 23-мактаб ўқувчиси Абдулборий Ғофуровлар натижаға эришди.

Профессионал таълим ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган танлов мусобақалар бўйича «Заковат» мусобақасининг вилоят босқичида 1-сон касб-хунар мактаби ўқувчилари республика босқичиға йўлланма олдилар.

«Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» туманимиз ёшлари учун ишонч йили бўлади. Зеро, юртбошимиз биз ёшларни қўллаб-қувватлаш учун имкон ва имтиёзларни яратиб берар экан, бу бизға билдирилган, келажакимизға ишончдир. Бу ишончини сидқидилдан оқлаш, бор билим ва тақрибамизни муваффақият учун сарфлашимиз, аждодларимизнинг орав-умидларини оқлашимиз керак.

Кишининг табиатида локайдлик деган қусур бор. Айнан шу салбий камчилик уни ҳатолар домига ташлайди. Натижада унинг ҳаракатларида оддийликка ҳос бўлмаган кўринишлар ҳам кузатилади. Оқибатда атрофдаги одамлар, жамият азият чекади. Фикринининг исботини Ўрмонбек-Улуғнор йўли четида ҳосил бўлган ноқонуний чикиндиҳона нисолида кўриш мумкин.

Оқини, кейинги пайтда катта-катта автомагистраллар, йўллар четида бу каби ҳолатларни учратиш янгилик бўлмай қолди. Қайсибир бекфаросат ҳайдовчи ўидаги ахлатни йўл бўйига ташлаганини кўрганлар уни тартибга қайтариш ўрнига ундан "ўрмон" олишётгани ҳам бор гап. Йўқса, Ўрмонбек-Тўрттол йўлининг кирғоғи қисқа мuddатда ноқонуний чикиндиҳонага айланиб қолмасди.

Таъиниғини тирриқ қиладиган бу манзилда чикиндининг барча турини учратиш мумкин. Улар

Экологик маданият

КУЛАСИЗМИ, ЁКИ КУЯСИЗМИ?..

орасида қороз, шиша синиқлари, болалар тагликлари, ҳайвон сўяқлари қолдиқлари ва ҳаттоки дори-дармон чикиндиларини ҳам учратиш мумкин. Яхшики, ҳозир кўнлар соғуқ. Йўқса, атрофда сочилиб ётган тез айнувчи маҳсулот қолдиқларининг бадбўй ҳиди бир неча километр ҳудудга тарқалиши бор гап.

– Афсуски, мазкур ҳолат биринчиси эмас, ўтган йили ҳам шу ҳудудда мана шундай салбий ҳолат туман Экология бўлими, маҳалла райони ҳамда маҳалла фаоллари билан биргаликда бартараф этилганди. Маҳалла фаоллари томонидан назорат йўлга қўйилди. Лекин, шу йўлдан Улуғнорга ўтувчи юк автомобиллари асосан тунги вақтлар

да ахлат тўйиб кетишяпти. Бу ҳолатга на кулишни биласиз, на куйишни биласиз. Наҳотки, базиллар

шунчалар тубан бўлиб кетишяпти?!

Дарҳақиқат, икки туман чегарасида, аҳоли яшаш манзилдан нари бўлган бу оғош ҳудуд ана шундай инсофсиз ҳайдовчилар учун қўл келаяпти. Улар айни манзилга сира иккиланмай ахлат ташлаб кетишяпти, натижада чикиндилар каттагина майдонга ёйилипти.

Албатта, вазиятни шундай қолдириб бўлмайди. Шу бос Андижон вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Балиқчи тумани бўлими ходимлари, туман ободонлаштириш бошқармаси, "Фирензо" масъулияти чекланган жамияти мустақидилари билан ҳамкорликда ушбу ноқонуний чикиндиҳонани бартараф этиш чоралари кўрип-

ди. Қисқа мuddатда бу ердаги ахлатлар ташиб кетилди.

Яннда бу жойни обод қилиб, тоза сақлайдиган эгаси келади. Яъни, шу маҳаллада истикомат қилувчи, автомобил таъмирловчи ўста Зафарбек Ўбргимов бу жойда мўъжазгина автосервис барпо этмоқчи. Ҳозирда бунинг учун тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда йўл бўйига дарактлар экилади, кўкаламзорлаштирилади.

Фўқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдилар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 62-модда).

Йўл ҳам ўзимизники, уни авайлаш, тозалани олиш, маҳалла, жамиятда экологик маданиятни кенг тарғиб қилиш, атроф-муҳитга нисбатан ҳолисона муносабатда бўлиш талаб этилади.

Иззатилло ТОШКАНОВ,
вилоят Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси туман бўлими бошлиғи.

**Аҳолини рўйхатга олиш -
келажак сари янги қадам**

Мамлакат фўқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг соми, иқтисомий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қиладди.

БМТ дунё мамлакатларига фўқаролар билан юзага келадиган бир қатор иқтисомий муаммоларнинг ечими ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камда бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади. Афсуски, юртимизда мустақилликдан сўнг кенг кўламада аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллий, элатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашлар-

римиз ва иқтисомий маъқеимиздан қатъий назар бирдек манфаатдоримиз. Босини, мазкур йирик иқтисомий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг соми (2023 йил 1 октябрь ҳолатига республика аҳолиси 36 599,8 минг киши ташкил этган), фўқаролиғи, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сонини, уй-жўжалинининг яшаш шaroитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича маъжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар соми ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар соми, улардаги маъжуд шaroитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

**БАЛИҚЧИ ТУМАН СТАТИСТИКА
БЎЛИМИ БОШЛИҒИ
М.МАЪКУЛОВ**

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банк кузатув кенгашининг 2023 йил 6 майдаги 29-сонли мажлис баёнига асосан Бош банкнинг ягона банк кодига (00433 МФО)га ўтиш муносабати билан банкнинг Андижон вилояти Балиқчи тумани Балиқчи шoҳ кўча №16-уй(почта индекси 170300) манзилида жойлашган «Балиқчи» банк хизматлари марказининг рекувизитлари ўзгарганлигини маълум қиламиз.



«Балиқчи» банк хизматлари маркази
МФО 00433 МБ коди 10162

Мурожаат учун телефон рақами: 74-323-11-96;

МЕРОС ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 49-ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик кодексининг 1116-моддаларига асосан куйидагиларнинг мулкларига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан мерос тариқасида ўзларига ўтиши мумкин бўлган ҳиссаларини расмийлаштириш ёки ўз хоҳишларига мувофиқ воз кечишлари ҳақида ариза бериш учун:

Каттабулоқ МФИда яшаб, 2019 йил 14 ноябрь куни вафот этган марҳум Ҳамдамов Каҳаржоннинг, Кўл МФИда яшаб, 2014 йил 6 декабрь куни вафот этган марҳум Тўйчиев Дехқонбойнинг, Сарновул МФИда яшаб, 2023 йил 22 июнь куни вафот этган марҳум Жураев Собиржоннинг, Шеробод МФИда яшаб, 2019 йил 4 июнь куни вафот этган марҳум Авилқосимов Равшаннинг, Гўравон МФИда яшаб, 2022 йил 7 декабрь куни вафот этган марҳум Муротова Саиданин, Исломобод МФИда яшаб, 2022 йил 20 октябрь куни вафот этган марҳум Ачилов Раҳматилланнинг, Исломобод МФИда яшаб, 2023 йил 8 декабрь куни вафот этган марҳум Корабоев Тохирнинг, Аралхон МФИда яшаб, 2023 йил 9 июль куни вафот этган марҳум Аҳмедов Шермуҳаммадининг, Барқамол МФИда яшаб, 2022 йил 30 январь куни вафот этган марҳум Абдурайимов Абдумуминнинг меросларини тумандаги хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус О.Т.Шокировнинг нотариал идорасига (Авесто МФИда жойлашган) 1 (бир) ой мuddат ичида тегишли ҳужжатларини олиб келишлари сўралади.

Омонариқ МФИда яшаб, 2006 йил 13 март куни вафот этган марҳум Нуриддинов Шавкатнинг, Маллачек МФИда яшаб, 2007 йил 10 апрель куни вафот этган марҳум Алматов Низомидиннинг, Ботир МФИда яшаб, 1999 йил 13 июнь куни вафот этган марҳум Мадалиева Ҳафизанин, Шўр МФИда яшаб, 2020 йил 29 май куни вафот этган марҳум Жабборов Худойназарнинг, Ботир МФИда яшаб, 2022 йил 9 апрель куни вафот этган марҳум Султонова Махсудахоннинг, Гузар МФИда яшаб, 2012 йил 18 апрель куни вафот этган марҳум Хожимуратов Баҳромжоннинг меросларини тумандаги хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Д.В.Қобулованин нотариал идорасига (Омонариқ МФИ, Андижон кўчасига) 1 (бир) ой мuddат ичида тегишли ҳужжатларини олиб келишлари сўралади.

**ЮРТ ШАЪНИ ХИМОЯЧИЛАРИ,
БАЙРАМ МУБОРАК!**

Н-ҳарбий қисмда хизмат қилдим. Ўқш билан бирга олиб борилган ҳарбий тайёргарликлар, машаққат бу фаолиятимда асқотди. Лекин, ўқш ва изланиш, сергаклик ҳар дам, ҳар онда мажбурият даражасида олиб борилиши керак. Бунга доимо амал қилардим. Мудофаа Вазирлиғи кўшинларида турли лавозимларда фаолият олиб бордим. Туман мудофаа ишлари бўлими мен хизмат қилган ҳар бир соҳанинг асосини мустаҳкамлаб берувчи манбаа эканлигини Навоий вилояти Қизилтепа туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганимда яна бир қарра ҳис қилдим.

Ҳозирда туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи лавозимига ишлаб келаямман. Туманда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улардаги йигитлик гурурини шакллантириш мақсадида «Ватанпарварлик ойлғи» доирасида тадбирлар уюштирилиб, унга умумтаълим мактаблари ўқувчилари, маҳаллаларнинг уюшмаган ёшлари ҳамда чегара кўшинларида хизмат бурчини адо этган фахрийлар тақлиф этилмоқда. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳарбий касбга бўлган қизиқишини ошириш, Қўролди Қўчлариниз жағовар

салоҳиятини намоиш этиш мақсадида ўтказилган тадбирда ҳарбийлар томонидан ёшларга мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумотлар берилди.

Ёшлар ҳарбий қисмда аскарларнинг ҳарбий тайёргарлик ўқув машғулотлари жараёнлари билан танишади. Фахрийлар, ҳарбийлар ёшларга ҳарбий касб масъулияти, машаққати ҳамда Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканлиғи ҳақида гапириб беришади.

Бу тадбирлар ёшларда унутилмас таассуротлар қолдиради, қолаверса, тадбир ёшларимизнинг чегара кўшинлари, миллий армиямиз ва унинг куч-қудратига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Туман мудофаа бўлими юрт ҳимояси йўлида хизмат қилаётган йигитларнинг, улар қайси ҳудудда хизмат қилмасин, уларнинг тартиб-интизими, бурчига садоқати борасида ҳамisha хабардор. Зеро, улар нафақат туманнинг, балки юртимиз шаънининг ҳимоячиларидир.

14 январь - Ватан ҳимоячилари куни. Бу байрам ҳар бир хонадонда тантанга қилишга арзийди. Чўнки мусаффо осмон, осойишта элнинг ҳар бир куни байрамдир. Барчаимизга байрам муборак бўлсин, азизлар!



Туманимиздаги 19-сон болалар музика ва санъат мактаби жерография синфи ўқитувчиси Нигора Ҳаџимова 21 йилдан буюн ана шу нозик санъат турини раџс сѳҳрени санъат мўхбирлари қалбига ҳойлашга интилади.

Нигора Ҳаџимова 1983 йили Наманган давлат санъат билим юртининг "Ҳаџи раџ-ой" бўлимига ўқишга кириб, 1988 йилда халқ

Сўзсиз тушуниладиган ҳаракат бор. Топдингиз бу раџс. У оҳанглари ҳаракатда, сўзларни жозиблада етказиб беради сизга. Беҳтиѳр яхши оҳангга сизнинг ҳам завқингиз келади, раџс тушишга уста бўлмасангизда завқингизни яшираолмайсиз.



республика босмига йўланма олди. Нигора Ҳаџимова жамоаси республика босмида 3-ўринни олди.

Нигора кѳҳбини ѳзѳзлайди. Шунинг учун ҳам изланади, ўрганади ва ўргатади. Меҳнатининг натижадан илҳомланади бу янги марраларга куч-қувват беради. Бу ташбхлар Нигоранинг кўндалик сабоқларининг мазмунига айланган.

Ҳ. АЗИМОВА,
50-ИДУМ ўқитувчиси.

БУ ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАР МАРДЛАР, БОТИРЛАР

Бизнинг ўлкалардан кетмас лайлаклар,
Қушлар ҳам тинч юртда топгай ҳаловат.
Қишларда мўралар кўм-кўк чечаклар,
Гуѳҳлар тинчликка айтар саловат.

Бу элда ҳамма вақт тўй, байрам, шодлик,
Янгар болаларнинг шўхчан яллasi.
Ҳар гўша гўллайди, юртда ободлик,
Жаранглар оналар ширин аллasi.

Бу юртни қўриқлар мардлар, ботирлар,
Забардаст билаклар, ҳам шерюраклар.
Темурлар тирикдир, йўқ ҳавотирлар,
Шу сабаб ижобат орзу-тилаклар.

Қадамлар шиддатли, дадил ва шаҳдам,
Сарҳадларда сергак бургут нигоҳлар.
Сиз борсиз Ватан тинч, осуда ҳар дам,
Сиз-ла гулзор бўлди бугун жанггоҳлар.

Ташбхлар тошади бу кун тиллардан,
Сизни кўмсагайдир илҳом париси.
Номингиз тушмайди доим тиллардан,
Сизни алқар элнинг ѳшу қариси.

Алломиш, Рустамдек ўктам ўғлонлар,
Сиз қалқонсиз юртга, элга тинчлик ѳр.
Покиза иймонлар, Сиз пок виждонлар,
Яратганнинг ўзи бўлсин мадаѳкор.

Барно ҲАЙДАРОВА,
12-ИДУМнинг. маънавий-маърифий
ишлар бўйича директор ўринбосари.

ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Она юртим ҳимоячи-посбонлари,
Тинчлик, дея кўксин тутар қалқонлари,
Сиздир ўзбек фахри бўлган ўғлонлари,
Айѳмингиз қутлуг бўлсин эр йигитлар,
Мард ва жасур, кучга тўла шер йигитлар!

Элим, дея ѳниб турар кўзларингиз,
Гурур билан айтилгайдир сўзларингиз,
Ҳар он нурга тўлсин босар изларингиз,
Айѳмингиз қутлуг бўлсин эр йигитлар,
Юртга тиргак, ҳимоячи шер йигитлар!

Асл, ўзбек миллатининг фахридирсиз,
Шараф-шону, гурур ила оридирсиз,
Битмай, десам вишорларим сизга чексиз
Айѳмингиз қутлуг бўлсин, эр йигитлар,
Ўзбек деган номга содиқ бек йигитлар!

Мафтуна МАҲКАМОВА.

Санъат жозибаси

ансамбллари артисти мутахассислиги бўйича таъминланган. Нигора Наманган давлат санъат билим юрти талабаси бўлиб ўйиб юрган даврида туман маданият уйининг барча тадбирларида мунтазам қатнашиб келарди.

У 1994 йили Пошкстонда ўлказилган Болалар раџслар фестивалида фаол иштирок этган. 1995-2003 йилларда Андижон вилоятида ўлказилган санъат ва меҳнат фестивалининг туман босмида бош балетмейстер бўлиб ҳамда оммавий раџслар саржалаштириб туман жамоасини юқори ўринларни олишга ўз ҳиссасини қўшди. Н.Ҳаџимова Андижон ва Тошкент шаҳарларида ўлказилган "Наврўз", ва "Мустақиллик" байрамларида "Тўпла яшна жон Андижоним" вилоят меҳнат ва санъат фестивалида фаол иштирок этган. "Ташаббус-2007" кўрм-танловда "Энг яхши ҳўнарманд" номинациясида фахрли 2-ўринни, "Андижоним кўркам ва обод, вилоятга айлангирайлик" кўрм-танловда кўсак савияда бадий дастур яратди ва туман ҳўмимчилигининг ѳзтирофига сазовор бўлди. Шунингдек, у Бўхоро шаҳрининг 2500 йиллиги, "Бойсун баҳори" ва "Аспар садори" тантаналарида фаол иштирок этган.

Н. Ҳаџимова иккундорлиги туфайли туман, вилоят тадбирларида ва Республика байрамларида бош балетмейстернинг ёрдамчиси сифатида кўрсатган кўмадан ҳамкасблари мамун.

Андижондаги "Наврўз" байрамиди раџс устаси бўлиб раџслар саржалаштирди. Н. Ҳаџимова Самарқанд шаҳрида ўлказиб келинѳётган аънанавий "Шарк тароналари" бутун жаҳон фестивалида Андижон вилояти "Ўзбек раџс" бирлашмаси қозидали

Мухаррир:
Шаҳзода
КАРИМОВА

Газета
«Заковат» нашриѳт уйи
МЧЖ босмаҳовасида
чоп этади.
Қорғоз бетчиси - А3
Адади:
Сотувида эркин нархда

МАНЗИЛИМИЗ:
Балиқчи шаҳарчаси,
М.Султонов кўчаси, 2-уй



Телефон:
74-323-10-39

Газета Андижон вилояти
матбуот ва ахборот
босмаҳовасида 2008 йил
26 декабрда 04-017 -
тартиб рақами билан
рўйхатга олинган.

Ишар кўрсаткичи:
170300 ISSN 2010-5746

Босишга топшириш вақти: 17:00
Топшириш вақти: 16:00 Бўртма:

Босмаҳова манзили:
Косовсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси, 17-уй.
Газета сифати учун
«Заковат» нашриѳт
уйи МЧЖ
босмаҳоваси
жавоб беради.

Нашрга масъу:
Бахтинисо
ЭГАМКУЛОВА

Газета тахририят компь-
тер марказида тарнади
ва саҳифалайди.

САХИФАЛОВЧИ:
Шоҳсанам МУРОДОВА

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
G'ALABA

МУАССИС:
БАЛИҚЧИ ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ